

## **ЎЗБЕК БЛОГОСФЕРАСИДАГИ МАВЗУЛАРНИНГ РАНГ-БАРАНГЛИГИ**

**Исмоилов Абдулқаюм Асатулла ўғли**

Ўзбекистон журналистика ва оммавий

коммуникациялар университети

Олий журналистика курслари йўналиши магистранти

**Аннотация.** Ушбу мақолада ўзбек блогосферасидаги мавзуларниң ранг-баранглиги ҳақида сўз юритилган. Сўнгги йилларда Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари ва блогерлар фаолияти билан боғлиқ вазиятни тубдан ўзгартиришга муваффақ бўлди. Бир сўз билан айтганда, кейинги йилларда Ўзбекистонниң ахборот соҳаси тубдан ўзгариб, янги мазмун билан тўлдирилди.

**Калит сўзлар:** блогосфера, журналистика, оммавий коммуникация, ижтимоий тармоқлар, плюралистик.

Ўзбекистон ўз олдига дунёning қатор ривожланган давлатлари сафига қўшилиш вазифасини қўйган холда демократик йўлдан дадил бормоқда. Кўзга кўринадиган ўзгаришлар барча соҳаларга таъсир кўрсатди. Жумладан, иқтисодиёт, саноат, фан, таълим, маданият ва хоказоларда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан ислоҳотларниң асоси сифатида белгилаб берилган «Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши керак» деган тамойил амалдаги йўналишга мисол бўла олади. Яъни 2017 йил, 31 августда сўзлаган нутқида “Олдимида турган ана шу улкан вазифалардан келиб чиқиб, мамлакатимиз тараққиётини янги босқичга кўтариш мақсадида 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини қабул қилдик. Ушбу Стратегияда давлат ва жамият курилишини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-хукуқ тизимини ислоҳ қилиш, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани янада ривожлантириш, хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташкии сиёсатни изчил давом эттириш каби масалалар тараққиётимизнинг асосий йўналишлари сифатида белгилаб олинди.

Ҳаракатлар стратегиясида «Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак» деган тамойил давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бирига айлангани албатта бежиз эмас”<sup>1</sup>, – дея таъкидлаган давлатимиз раҳбари.

Халқ билан давлат идораларини, мансабдор шахсларни боғловчи «кўпrik» вазифасини ўтовчи оммавий ахборот воситалари ва блогерлик фаолияти бу борадаги ислоҳотларда асосий кўмакчи бўлиб хизмат қилмоқда. Оммавий ахборот воситалари ва блогерлар саҳифаларида эълон қилинаётган хабарлар, жамоатчилик эътиборига қаратилаётган ва ечими кутилаётган муаммолар ҳал этила бошланди. Оммавий ахборот воситалари ва ўзбек блогосферасида эълон қилинган янгиликлар, эълонлардан сўнг коррупция ҳолатлари фош этилгани, ҳокимларниң ер ажратиш бўйича ноқонуний карорлари бекор қилингани, фуқароларнинг турли муаммолари ҳал этилгани каби яна кўплаб мисолларни келтириш мумкин. Охирги йилларда долзарб масалаларга муносабат борасидаги вазият яхшиланганини статистик маълумотларга назар ташлаб кўриш мумкин. Ўзбекистонда ҳар куни оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда жамоатчилик эътиrozига сабаб бўлган ўнлаб материаллар тарқатилмоқда. Ва бир йилда уларнинг сони 9 мингдан ошиши мумкин. Уларнинг аксарияти давлат органлари матбуот хизматларининг расмий изоҳларида эълон қилинган. Шундай қилиб, 2020 йил давомида матбуот хизматлари танқидий ва кенг мухокама қилинган материалларнинг 76 фоизига жавоб берди. Таққослаш учун: 2018 йил охирида бу кўрсаткич 15 фоизни ташкил қилган.

<sup>1</sup> <https://kun.uz/uz/news/2017/08/31/halk-davlat-idoralalariga-emas-balki-davlat-organi-halkimizga-hizmat-kilisi-kerak-president-nutki>

Шу боис, Ўзбекистонда бугунги кунда давлат органлари фаолиятининг очиқлиги ва сўз эркинлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган сиёсат нафақат инсонларнинг қонуний ҳуқуқ ва манбаатларини ҳимоя қилиш доирасида амалга оширилмоқда, балки мамлакат тараққиёти даражасини юксалтиришга ҳам қаратилган.

Эркин ва мустақил оммавий ахборот воситалари ва ўзбек блогерлари томонидан кўтарилаётган долзарб муаммолар кучли фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнининг фаол иштирокчилари сифатида баҳоланмоқда. Плюралистик оммавий ахборот воситалари ва блогерлар жамиятда мавжуд бўлган воқеликни акс эттирувчи “ойна” вазифасини бажаради. Бу нима учун?

Биринчидан, мавжуд муаммоларни аниқлаш. Яъни блогерлар томонидан мутлақо эркин ва ошкоралик тамойиллари асосида давлат ва жамиятнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлашнинг энг самарали воситаси бўлиб, муаммоларнинг етказилиши, керак бўлганда ечим таклиф эта олиши сўз эркинлигининг барқарорлигидан далолат беради.

Иккинчидан, оммавий ахборот воситалари билан бир қаторда блогерлар томонидан баён этилаётган жамиятдаги мавжуд муаммоларнинг турфа хиллиги ва мавзуларнинг вақтида кўтарилиши маълум даражада ўзгаришлар йўналишини белгилашга, ҳокимият ва фуқаролар олдида, баъзан бир-бирини тушунмайдиган томонлар ўртасида «қўйприк» ўрнатишга даъват этилади. Шу боис ҳам инсоннинг сўз эркинлиги ҳукукини таъминлаш ва ҳимоя қилиш, журналист ва блогерларнинг таъқиб килинишига йўл қўймаслик бугунги кунда дунёнинг кўплаб мамлакатлари, жумладан, Ўзбекистон давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида қабул қилинмоқда.

Оммавий ахборот воситалари қаторида блогерлик фаолияти аста-секин фуқаролик жамиятининг муҳим институтига айланиб, Ўзбекистон жамиятида оммавий коммуникация механизмлари янги, янада замонавий форматларга ўтмоқда. Оммавий ахборот воситалари ва блогерлар жамиятда ҳар доим бир-биридан манбаатдор бўладиган бир-бирига боғлиқ бўлган субъектлар эканлигини ҳисобга олсан, ҳозирги воқелик шароитида оммавий ахборот воситалари ва блогерларнинг имкониятларини паст баҳолаб бўлмайди. Масалан, 2015-йилда Ўзбекистонда 1400 дан ортиқ оммавий ахборот воситалари, 40 га яқин блогерлар фаолият кўрсатган бўлса, 2021-йил апрелига келиб уларнинг сони қарийб 1900 га, блогерлар сони эса тахминан 100 дан ошди.

Сўнгти йилларда Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари ва блогерлар фаолияти билан боғлиқ вазиятни тубдан ўзгартиришга муваффақ бўлди. Бир сўз билан айтганда, кейинги йилларда Ўзбекистоннинг ахборот соҳаси тубдан ўзгариб, янги мазмун билан тўлдирилди. Шундай қилиб, 2018 йилда мамлакатимизда «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Унинг мақсади давлат органлари ва муассасалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ташкил этиш ва амалга ошириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат. Қонуннинг 13-моддасида шундай дейилади: «Жамоатчилик фикрини ўрганиш турли ижтимоий гурухларнинг норматив-ҳуқуқий хужжатлар лойиҳалари тўғрисидаги, давлат органларининг, улар мансабдор шахсларнинг қонунчилик талабларига риоя этишига, фуқароларнинг, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манбаатларини, жамият манбаатларини таъминлашга доир фаолияти тўғрисидаги фикрини баҳолаш мақсадида ахборотни йиғиш, умумлаштириш ҳамда таҳлил этишдан иборатдир»<sup>2</sup>.

Давлат органларининг журналист ва блогерлар билан ҳамкорлиги кўп жиҳатдан барча соҳалардаги ислоҳотларни амалга ошириш суръатини белгилаб беради. Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, демократик жамиятда барча давлат хизматчилари оддийгина оммавий ахборот воситалари билан яқиндан ҳамкорлик қилишга мажбур.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 27 июндаги «Оммавий ахборот воситаларининг мустақиллигини таъминлаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари матбуот хизматлари фаолиятини ривожлантиришга доир янада чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони давлат органлари фаолиятининг очиқлиги ва ҳисобдорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Агентлик хузурида матбуот хизматлари фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш бўйича алоҳида бўлим ташкил этилди.

Журналистлар ва блогерлар фаолияти мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги воқеалар ривожига бевосита таъсир қила бошлади. Оммавий ахборот воситалари вакиллари ва блогерлар эндилиқда

<sup>2</sup> <https://lex.uz/ru/docs/-3679092>

жамоатчилик фикрини шакллантириб, муаммоларга тезкорлик билан муносабат билдириш орқали аҳоли ва ҳокимият ўртасидаги боғлиқлик вазифасини бажармоқда.

Бугун биз аниқ айтишимиз мумкинки, жамият ҳукумат вакиллари билан муаммоларни очиқ муҳокама қилишга тайёр. Буни ижтимоий тармоқлар мисолида яққол кўриш мумкин. Бу ерда фуқаролар ўзларини қийнаётган масалалар ҳақида эркин гапиради, муаммоларини баҳам кўради. Интернет даврида электрон оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар оммавий коммуникациянинг энг кучли механизмларидан бирига айланиб бормоқда. Муаммони ҳал қилиш, уни барчанинг эътиборига ҳавола қилиш, айнан юқори технологиялар асрида мумкин бўлди.

Сўнгги йилларда фуқаролар фаоллигининг туртки вазифасини медиа муҳитда муаллифлар ва блоггерларнинг янги синфининг пайдо бўлишига ёрдам берди. Бугун улар китобхонлар орасида катта ишончга эга, чунки улар тез-тез ўткир ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий масалаларни биринчи бўлиб кўтаради.

Ўзбекистон тарихида сўнгги 5 йилликда илк бор маҳаллий блоггерлар фаолияти юқори савияда эътироф этилди. 2019 йил 27 июнь куни матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан ўтказилган тантанали маросимда мамлакатимизнинг алоҳида блогерлари Президентимиз номидан «Келажак бунёдкори» медали билан тақдирланди. Бу қадамни, албатта, давлатнинг ўз овозига эга бўлган барча блогерлар фаолиятига муносабати сифатида баҳолаш мумкин. Блоглардан журналистик мақсадларда фойдаланиш тезкор маълумот бериш, маълумотларнинг очиқлигини таъминлаш, ўз шахсий фикрини билдириш имкониятини беради.

Янги Ўзбекистоннинг очиқлик сиёсатида оммавий ахборот воситалари мустаҳкам ўрин эгаллаши, шубҳасиз. Блогерлар ёритаётган мурожаатларга мутасаддиларнинг ўз вақтида жавоб беришини таъминлашга танқидий ёндашув кучайтирилмоқда. Фуқароларни қийнаётган муаммоларни ҳал этиш йўлларини излаш оммавий ахборот воситаларининг бевосита иштирокида амалга оширилмоқда.

Ўзбек блогосферасида яхшигина аудиторияга эга бўлган ва етакчиликни қўлдан бой бермайдиган ҳуқуқшунос Хушнуд Худойбердиевнинг барча ижтимоий тармоқларида ўзининг шахсий қарашлари, ҳуқуқий мавзуларнинг ёртилиши, мавзуларнинг хилма хиллиги билан ажралиб туради. @xushnudbek Телеграм каналида жамиятда содир бўлаётган воқеаликларга ўз муносабатини эркин билдириб келмоқда. «Зоминдаги автоҳалокатда 8 киши вафот этди, 1 киши оғир аҳволда» номли блогпостида КИА ва Нехиа-2 тўқнашуви оқибатида ҳалок бўлган 2 киши ҳақида фикр билдириб, 6 кишининг шифохонада вафот этгани, КИА ҳайдовчиси жонлантириш бўлимига ётқизилгани ҳақида хабар беради. Ҳуқуқшунос блогер шунчаки воқеликни кўр-кўрона баён этиш йўлидан бормасдан ўз шахсий позициясини қуйидагича ифодалаган: «Бу воқеа фонида Комил Алламжонов Тошкент имтиҳон маркази ҳақида маълумот берди. Бугунгача 2406 киши имтиҳонга келган, шундан 347 кишигина ўта олган. Қолган 2059 нафар фуқаро йиқилган. Жуда кўпчилик масалани осон йўлини қидиряпти (ўрганиб қолганда). 100 доллардан 500 долларгача ходимларимизга пора бермоқчи бўлганлар қанча. Энди коррупциянинг (миллионлаб долларлар) миқдорини тассавур қилинг».

2022 йил 5 апрелда @xushnudbek телеграм каналида эълон қилинган «Мусаффо осмон остидаги даҳшатли уруш» сарлавҳали блогпостида блогер авто йўлларда учраётган автоҳалокатларни таҳлил этиб, шундай ёзади: «Ўтган йили 2 ярим минг инсон авариялар натижасида ҳалок бўлибди. 2 ярим минг хонадонда мотам бўлган. Минглаб болалар отасиз ва онасиз етим бўлиб қолишган, яна минглаб инсонлар фарзанд доғида куйишган. Ака-укасидан, опа-синглисидан айрилганлари қанча. Ва бу аянчли рақамлар ўтган 2 йилдагига қараганда сезиларли ошганини кўриши мумкин. Қизиқ, 2021 йили нима бўлдики, бу даражада авариялар ва ўлимлар сони ошиб кетди? Нега камайиш ўрнига, кўпаймоқда? Бунинг устида бирор илмий изланишлар, тадқиқотлар ўтказиляптими? Сабаблари аниқланиб, уларга қарши аниқ чоралар кўриляптими?»<sup>3</sup>

Ўзбек блогосферасидаги ёритилаётган ва ечимини бераётган ранг баранг материаллар талайгина. 2015 йил 21 май куни ўтказилган иккинчи блогерлар чемпионатида биринчи ўнта ўринни қуйидаги мавзуларда блогерлар эгаллади.

1. «Иммунитет» блогер – Нозирхон Азизов, 2. «Ҳуқуқда бундай атама мавжуд эмас» блогер – Мақсуд Саломов, 3. «Тухум пўстлоги ичида» блогер – Азиз Қаршиев, 4. «Сурақоқди» блогер – Жамшид

<sup>3</sup> <https://t.me/xushnudbek/13674>

Ниёзов, 5. «Истмайман...» блогер – Шерзод Ғайбуллаев, 6. «Ментор» блогер – Ироил Тиллабоев, 7. «Хорижлик ҳамкорлар» блогер – Шукуржон Исломов, 8. «Эркакларнинг боши нега кал?» блогер – Нигора Салихонова, 9. «Оёқ етганча кетаймен» блогер – Файрат Шералиев, 10. «Биз қарияпмиз» блогер – Давронбек Фармонов.

Кўп жамиятлар ҳаётида бир ноодатий манзара, яъни давлат ёки жамоатчилик вакилларининг кенг оммадан айрим ахборотни яширшга урунишлар кузатилади. Бундай вақтларда блогерлар янгилик ҳақида билганларича гапириб, етакчиликни қўлга оладилар. Бундай ҳолатда ҳатто профессионал жоурналист ёки нашрлар, бошқа манба йўқлиги сабабли, блогер узатган ахборотдан фойдаланишга мажбур бўлади. Масалан, «Zamin» сайти қуйидаги маълумотни чоп этди: «Sports.ru сайти блогери Ўзбекистон чемпионатининг яна бир учрашуви келишилган бўлганини тахмин этди, дейилади кун.uz нашрида». Материал 2016 йил 29 июнда “Sports.ru «Насаф» – «Сўғдиёна» ўйини келишилган ўйин бўлганини билдири” сарлавҳаси остида эълон қилинди.

Блогосферада сиёсий мавзуларнинг ёртилиши. Ўзбек блогосфеэрасида сиёсий мавзуларда яхшигина ёза оладиган блогерлар кўплаб топилади. Телеграм тармоғида @muhrim телеграм канали, @AsanovEldar телеграм канали, Микрофон кўтарган аёл (@qurbanova\_a), Шахноза Соатова блоги (@shahnozxon) каби блогларни санааш мумкин.

Блогер Зафарбек Солижоновнинг 2022 йил 24 март санасида эълон қилинган “«Шоҳ» қачон «Мот» бўллади?” номли блогпостида Шахмат федерациясидаги матбуот анжумани ҳақида фикр юритилиб, унда бирорта фаол оммавий ахборот воситалари ва блогерлар таклиф этилмаганлиги ҳақида сўз боради. Бу эса Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 27 июндан «Оммавий ахборот воситаларининг мустақиллигини таъминлаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари матбуот хизматлари фаолиятини ривожлантиришга доир янада чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонига мутлақо зидлигини очиб берган. Сабаби матбуот хизматлари доимий равишда оммавий ахборот воситалари ва блогерлар билан алоқада бўлиши, ахборот олишда кўмаклашиши лозим. Шунингдек, Солижонов блогида жорий йилнинг 19 март санасидаги Сенатнинг 24-ялпи мажлиси ҳақида қуйидаги фикрларни баён қилган.

“Сенатнинг 24-ялпи мажлиси давом этмоқда. Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директорининг ахбороти ўқиб эшилтирилди. Маълум бўлишича, республикадаги 204 та туман ва шаҳар ҳокимликларининг 43 тасида расмий веб-сайти ишламайди. Хизмат сафарлари ва хориждан ташриф буюрган меҳмонларни кутиб олиш харажатлари бўйича хисоботлар 88 та давлат органи ва ташкилоти томонидан ўз вақтида очиқланмаган. Маҳаллий кенгашлар фаолияти, мажлисларини ёритишда бир қанча муаммолар мавжуд.

Фуқароларга гапириш ҳуқуқи берилгани билан, улар ҳалигача бевосита жараёнларга таъсир ўтказа олмайди, ўзлари хоҳлаган одамни сайлай олмайди, ёқмаганини бўшатиб юбора олмайди. Бундай механизмлар йўқ. Ҳозирча ростданам факат ғийбат қилиб ўтириш имкониятигина мавжуд.

Шундай бўлганидан кейин, табиийки, гаплари кор қилмаётганини, бошқа нарса қўлидан келмаслигини билган блогер ёки журналист алам устида қаттикроқ гапира бошлайди, амалдор эса бунинг сабабини тушуна олмай, журналистларда ва блогерларда аламзада омадсизларни кўришда давом этади ва уларнинг тилини тийиб қўйишга уринади<sup>4</sup>.

Жамиятдаги муҳим муаммоларни ёритувчи ва оммага тақдим этувчи, турли мавзуларни маҳорат билан давлат идораларигача етказувчи қуйидаги блог ва сайтларни ҳам мисол келтиришимиз мумкин.

Атрофда бўлаётган ҳодисаларга ҳамма ҳар хил ракурсдан қарайди. Ҳамманинг ўз қаричи, вектори бор. Бир нуқтага турли қараш эгаларининг каналлари акс этган каналлар рўйхатидаги блоглар фаолликни қўлдан бой бермаяпти.

Human.uz (<https://t.me/humanuzofficial>) – инсон ҳуқуқлари, экология, мурожаатлар ва таҳлилий-танқидий мақолалар бериб борувчи, "Ютуб"да ҳам катта обуначилар аудиториясига эга сайт.

Rasul Kusherbayev ([https://t.me/deputat\\_kusherbayev](https://t.me/deputat_kusherbayev)) – Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Расул Кушербаевнинг расмий шаҳсий саҳифаси. Бу инсонни ортиқча таърифлаб ўтиришга ҳожат йўқ, бизнингча. Сабаби депутатлик, қонунларга оид кўплаб масалалар ечими билан бирга таклифларини ҳам баён этади.

<sup>4</sup> <https://t.me/AsanovEldar/2898>

Muxbir Daliyev (<https://t.me/muxbir1>) – журналист, блогер Хуршид Далиевнинг шахсий канали. Унда муаллифнинг ўзига хос тил ва услуби, антиқа “рейдлари”, сатирик чиқишлари, танқидий қарашлари ва мурожаатлар бўйича тайёрлайдиган материаллар акс этган.

Bahodir Ahmedov (<https://t.me/bahodirahmedoff>) – Канал эгаси юрист. У юридик маслаҳатлар, фикрлар беради, шунингдек мурожаатларни оммага олиб чиқишида кўмаклашади. Одамлар ўз хуқуқларини билишига ёрдам беришни мақсад қилган.

Alimoff (<https://t.me/nurbekalimov>) – таниқли блогер Нурбек Алимов канали. Ёзган ҳар бир постида интеллекти сезилиб туради. Юморларини тушуниш учун гоҳида кўп китоб ўқиган ёки кино кўрган бўлиш керак. Анжанча шева унсури бўёқдорликни кучайтирган ҳолда постлар ёритиб борувчи блог.

Yuristkadr (<https://t.me/yuristkadr>) – хуқуқшунос Саидали Мухторалиев канали. Судлар ва меҳнат муносабатларига оид масалаларда муаммолар хуқуқий маслаҳатлар билан ёритилиб борилади.

Habikatura (<https://t.me/habikatura>) – Ўзбекистондаги саноқли карикатурачилардан бири. Воқеалар ва трендларга реакцияси ҳайратланарли.

Kompromatuz (<https://t.me/Kompromatuzb>) – кутилмаган аргументлари билан блогосферага кириб келган "свежый" канал. Кимлиги барчага қизиқ. Лекин нозик-нозик жойларда "манбалари" бор. Мавзуларнинг антиқалари ўша ерда.

AvtoblogUz (<https://t.me/avtobloguz>) – шу йўналишдаги пионер блогерлардан бири Максуд Музаффаров канали. "ГАИ" акаларнинг "севимли" укаси. Йўл ҳаракати қоидаларини сув қилиб ичганлардан.

Отабек Артиков (<https://t.me/Otabek>) – Юрагида ўти бор воҳалик блогер телеграм канали. Қашқадарёлик йигитнинг доим марғилон дўппи кийиб, муаммоларни ўз тил услубида кўтари чиқади. RakursUz (<https://t.me/RakursUz>) – журналист Муслим Мирзажонов сахифаси. Воқеа-ходисаларга ўзига хос ракурсда қарайди. “Ютуб”да шу номдаги сахифаси обуначилар сони 130 мингга яқин. Каналда қисқа, лўнда ва юмор билан ёзади. Лонгридларни қарийб учратмайсиз.

Intervyutv – You Tube тармоғида аудиторияси 1 миллиондан ортиқ видео блогер, журналист Феруз Мұхаммад ўз сахифасида ижтимоий, диний, сиёсий, маданий ва бошқа соҳаларда таниқли бўлган шахслар билан интервюси жойлаб борилади.

Юқорида санаб ўтилган блогерлар ва уларда ёритилаётган турфа мавзулар жамиятнинг ривожланишига сўз эркинлигини таъминланганлигидан далолат. Сўз эркинлигини таъминлаш изчил жараён. Унда блогерлар жамоатчилиги вакиллари ва оддий фуқароларнинг иштироқи амалга оширилаётган таркиби ўзгаришларнинг ажralmas элементидир. Ўзбекистонда журналист ва блогерларнинг самарали ва тўсиқсиз фаoliyati келгуси йиллар давомида давлатнинг барқарор ва изчил ривожланишида омил бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Зудочкина А.А. Блоги как важнейшая медиаформа в составе пользовательских медиа Вестник Моск. Ун-та. Сер. 10. Журналистика, 2010. – №3. – С. 122
2. Қосимова Н. Интернет журналистикинг технологиг асослари. –Т.: 2012. 57 б.